



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР

Тоҳиржонов Шерзоджон Шухратжон ўғли

Тошкент давлат юридик университети
талабаси. mail:sherzod.tokhirjonov@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7491117>

ARTICLE INFO

Received: 19th December 2022

Accepted: 28th December 2022

Online: 29th December 2022

KEY WORDS

Jinoyat huquqi, jinoyat proressual huquqi, proressual chiqimlar, to'lovlar; xarajatlar; proress ishtirokchisi, guvohlar, huquqni muhofaza qilish organlari.

ABSTRACT

Ushbu maqolada Jinoyat proressidagi muammalardan biri ya'ni "proressual chiqimlar" instituti ko'rib chiqildi. Jinoyat proressida guvohga to'lanadigan proressual xarajatlar mexanizimi yo'qligini aniqlandi. O'tqazilgan tadqiqotlar asosida xorijiy mamlakatlar tajribasi o'rganildi va "proressual chiqimlar" instituti mexanizimini yo'lga qo'yish borasida bir qator echim va takliflar taqdim etildi.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар натижасида жамиятнинг ҳар бир соҳасида янгиланиш ва ривожланиш кузатишмоқда. Жамият ривожини нафақат сиёсий, ижтимоий соҳаларда балки маънавий ва маърифий соҳаларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Маънавият ва тарбия ҳақида сўз борар экан биз бугун инсонлар орасидаги энг оғир ва долзарб бўлган лоқайдлик ҳақида гап юритишимиз лозим.

Лоқайдлик жамиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, ҳаттоки йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин. Қонунчилигимизда лоқайд бўлиб, ёрдамга мухтож инсонга ёрдам кўрсатмасдан бефарқ бўлиб ташлаб кетган одамга чора кўриш назарда тутилганми? Бу борада қонунчилигимизда қандай жавобгарлик мавжуд деган савол ҳам ойлайнтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 117-моддасида, Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етқазилишига олиб келса, уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши қайд этилган.

Ўша қилмиш одам вафотига сабаб бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмишлар: инсонлар ўлимига, ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни



чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланиши”¹ назарда тутилган.

Ушбу масалада энг жиддий йўқотишлардан бири бу вақтни йўқотишдир. Вақт бу инсонга берилган энг катта неъматлардан биридир уни қай холда, қандай сарфлаш инсонинг ўзига боғлиқ. Бир мисол келтирсак, масалан сиз Тошкент шаҳрида яшайсиз ва Тошкент вилоятига чиқиб, машинангизда уйингизга Тошкентга кайтаябсиз шу вақт йўлнинг четида бир инсон беҳуш холда ётганини кўрабсиз ва шу тариқа унга ёрдам бериш мақсадида у инсони машинангизга ўтқазиб уни шу орадаги энг яқин шифохонага олиб кетаябсиз ва унга ёрдам кўрсатдингиз. Шифохонага келишингиз билан сизни шифокорлар кутиб олиб ИИБ ходимларига хабар қилади ва ИИБ ходими келиб сиздан тушунтириш хати олади. Орадан 1 ёки 2 хафта ўтади ва сизга тинмай кўнғироқ қила бошлашади, олиб келинган инсон буйича жиноят иши очилганлини айтиб сизни суриштирув, тергов ва судга тинмай чақиривади, бош тортиб бормасангиз бу сизнинг мажбуриятингиз деб жиноят кодексининг 240-моддаси билан огоҳлантиришади ва сиз ҳар куни ўз ишингизга бормасдан кунингизни тергов ва судга қатнашиш билан ўтказасиз. Нега бундай? Уша инсони ташлаб кетсам бўларкан деган фикр ҳам ҳаёлингизда ўтади.

Ҳақиқатдан ҳам бунга ўхшаш ҳолатлар амалиётда учраб туради. Ҳозирги кунга келиб инсон бошқаларга нега ёрдам бермайдиган бўлиб қолди,

қани оқибат ўзи деган ибораларга мана бундай ҳолат яққол мисол була олади. Куни кеча мен ҳам пойтахтимизнинг шоҳ кўчаларнинг бирида йўловчи машинасида қайтаётиб йўлнинг четида бир эркак кишининг ётганига кўзим тушиб қолди, сўнгра ҳайдовчидан “Эй биродар! Ётган инсонга келинг ёрдам берайлик”, - дедим. Ҳайдовчи ака менга қараб: - “Менга бош оғриги керак эмас, мени вақтим йўқ,” –деб жавоб қайтарди. Биз ўз йўлимизда давом этдик. У инсонни тақдири эса энди менга қоронғу. Балки ҳақиқатдан ҳам ҳайдовчи ҳақдир! Балки у инсонга ёрдам бераман деб тергов ва суддан бошим чиқмай қолар деб фикр юритади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизматининг маълумоти кўра, 2021 йилда юртимизда салкам 2000га яқин одам йўл транспорт ходисаси натижасида ўз вақтида ёрдам кўрсатмаганлигини оқибатида вафот этган, мингдан ошиғи ўз вақтида шифохонага етиб келмаслик оқибатида ҳаётдан барвақт кўз юмган.² Бундай рақамлар бизни ўйлантириши керак. Агарда атрофимиздагиларга бефарқ бўлмай, ёрдам кўрсатган одамларни безовта қилмасдан уларни рағбатлантириш чоралари кўрилганда бундай аянчли рақамлар балки бўлмас эди.

Қонунчилигимизда йўқотилган вақт учун компенсация назарда тутилганми? Суриштурувчи, терговчи ёки суд ёрдам қилиб олиб келган шахсни тинмай гувоҳлик бериш тарзда ёки юзлаштириш сўроғи учун чақирар экан бундай ҳолатларда йўқотилган вақт ва

¹ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ 22.09.1994й.

² <https://t.me/davletovuz>



сарфланган харажат учун давлат компенсация тўлаб берадимми?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 318- моддасига кўра, жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан, Тўлов хажми доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;³

Ушбу модданинг 1 ва 2 бандларида, гувоҳ харажатлари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади деб регламентация қилинган, яъни қонунчилигимизда йўқотилган вақт учун компенсация чиқимларни тўлаш қонидаси белгиланган бўлса-да, амалиётда ишлаш механизми қайд этилмаган.

Процессуал чиқимлар тўғрисида дунё олимларини фикри қандай?

Россиялик юрист Емельянов Константин Николаевич ўз тадқиқот ишида айнан процессуал чиқимлар ҳақида кўйидаги фикрларни билдирган: “*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг жиноят процесси иштирокчиларига харажатларни қоплаш ва процессуал ҳаракатларда иштирок этганлик учун ҳақ тўлаш*

бўйича иши тўлиқ қониқарли деб ҳисобланмайди. Қонунчилик, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўрсатмалар мансабдор шахсларни хизматларни тўлаш, дастлабки тергов органларига, судга бориш ва иш юритиш охирида яшаш харажатлари тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур қилишига қарамай, амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, бундай қарорлар умуман қабул қилинмайди ёки узоқ кечикиш билан қабул қилинади. Шу билан бирга, тўланиши лозим бўлган суммаларнинг ҳисоб-китобларида хатоларга йўл қўйилади, тўлов резолюциясининг тегишли молиявий бўлинмаларга йўналтирилиши кечиктирилади.

Процессуал харажатларни қоплаш бўйича ишларни тубдан яхшилаш учун маблағларни жисмоний шахсларга тўлаш тартибини соддалаштириш мақсадга мувофиқдир. Процессуал ҳаракатларда иштирок этиш муносабати билан фуқароларга харажатлар ва иш ҳақини тўлашнинг соддалаштирилган тартиби уларнинг харажатларни қоплаш бўйича процессуал ҳуқуқидан фойдаланишни сезиларли даражада осонлаштиради, ҳисоб-китоб вақтини қисқартиради, ушбу масалаларни ҳал қилишда қизил лентани йўқ қилади, пул сарфлашнинг асослилиги ва қонунийлиги устидан самарали молиявий назоратни таъминлайди.

Фуқароларга, гувоҳлар, жабрланувчилар, қонуний вакиллар, таржимонлар ва бошқалар сифатида чақирилиши муносабати билан моддий харажатларни дарҳол қоплаш имконияти, шунингдек процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун ҳақ тўлаш, бу эса ўз навбатида одамлар ва

³ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ 22.09.1994й.



ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд билан ҳамкорлик қилиш иштиёқини оширади ва иш юритиш вақтини қисқартиришга ёрдам беради.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш учун гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимоннинг процессуал мақомини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларга, дастлабки тергов пайтида ва судда уларнинг иштироки билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги тушунилган қондаларни киритиш таклиф этилади.”⁴

М.Ч.Когамовнинг фикрига кўра, "процессуал чиқимлар асосан давлатнинг жиноят процессида амалга оширилган пул харажатларидир... Ушбу харажатлар (тўланган, сарфланган) объектив равишда жиноят ишини тергов қилиш ва уни судда кўриб чиқиш пайтида пайдо бўлади"

А.В.Смирнов ва К.В. Калиновскийлар “ ўз мақолаларида процессуал чиқимлар ҳақида батафсил ёритиб ўтишган, яъни процессуал харажатлар остида жиноий ишда иштирок этган шахсларнинг (гумон қилинувчи ва айбланувчидан ташқари) қайтариладиган харажатлари, бу шахслар ушбу жиноят иши бўйича иш юритилиши муносабати билан бевосита мажбур қилинадилар”деган маънони англатади.

Шундан кўриниб турибдики процессуал харажатлар фақат жиноий жараёнга жалб қилинган шахсларга тўланадиган харажатларни ўз ичига олиши кераклиги деб тушунилади.

К.Н.Емельяновнинг фикрича “Процессуал чиқимлар йигимлар” ҳақида жиноят процессуал кодексда ҳамда бошқа белгиланган норматив ҳужжатларда “Процессуал чиқимлар” ҳақида маълумотнома бериб ўтиб кетилган аммо уларни қандай ишлайдиган механизими процессуал харажатларни тартибга солувчи қонунлар йўқлигини ҳақида хўлоса берган.

Когамовнинг фикрича “Процессуал чиқимлар” бу терговда ва судда кўриб чиқиш пайтидаги сарифланган харажатлар.

А.В.Смирнов ва К.В. Калиновскийлар фикрларига кўра шунга амин бўлябмизки “ Процессуал чиқимлар” бу жиноят ишида иштирок этган шахсга тўланадиган харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида Процессуал чиқимларга оид қонун бор яъни, “гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида” қонун мавжуд бўлиб, ушбу қонуннинг 8 бобида шундай дейилган: “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ҳақ уларни чақирган орган томонидан бу шахслар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан кейин, тегишли маблағ иш юзасидан қилинган харажатлар тарзида ёки ҳукм этилганлардан процессуал чиқимлар тарзида ташқаридан олинган ва ундириб олинган ёки

⁴ <https://lawtheses.com/protsessualnye-izderzhki-v-rossiyskom-ugolovnom-sudoproizvodstve>



олинмаганлигидан қатъий назар дарҳол тўланиши керак”.⁵

Чет эл давлатларида ёрдам қилиб бошқа бир инсони ҳаётини сақлаб қолган инсонларнинг ҳуқуқлари қандай йўллар билан кафолаатланган?

Албатта ўз ихтиёри билан ўз вақтини аямай ёрдамга мухтож бўлган инсонларга ёрдам кўрсатиш бу олийжанобликни белгисидир, аммо шундай ҳолатларга ҳам амин бўлганмизки ёрдам кўрсатиш чоғида ёки шифохонага олиб келиб ташлаган инсони жони узилиб вафот этса ёрдам кўрсатган инсони айбланувчи қилиб уни жиний жазога тортилгани ҳақида эшитганмиз. Бундай ҳолатлар албатта нотўғри бўлиб бундай ҳолатлар тартибга солиниши керак. Масалан АҚШ давлатида ёрдам қилиб ёрдам кўрсатган шахснинг ҳуқуқлари қонун билан белгиланган бўлиб уни ҳар қандай ноўрин вазиятлардан ҳимоя қилар экан. АҚШ давлатида қабул қилинган “Меҳрибон Самариятин” қонунини бефарқ бўлмасдан ёрдамга мухтож бўлган одамга ёрдам кўрсатган шахсни ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Қонуннинг асосий жиҳати шундан иборатки, жабрланувчи, қоида тариқасида, агар у яхши ният билан тақдим этилган бўлса, биринчи ёрдамни нотўғри тақдим этишга даъво қила олмайди, яъни ёрдам кўрсатган шахс ўз билим ва тажрибаси доирасида ҳаракат қилиб жабрланувчига ёрдам беришга

⁵ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ “ГУВОҲЛАР, ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ЭКСПЕРТЛАР, МУТАХАССИСЛАР, ТАРЖИМОНЛАР ВА ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ Тўғрисида” 03.07.1992й.

интилади.⁶ Шунингдек, хусусан, Франция, Испания, Исроил, Японияда мавжуд. Германияда “Унтерлассене Хилфелеистунг” (ёрдам кўрсатмаслик) жиноят бўлиб, фуқаролар биринчи ёрдам кўрсатишга мажбурдирлар ва агар у яхши ният билан таъминланса, зарар етқазмаса, юрисдикцияга тортилмайди. (Германия Жиноят Кодекси 323 модда) Германия ва бошқа кўплаб мамлакатларда биринчи ёрдам кўрсатиш қобилияти ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун мажбурийдир.⁷

Қонунчилигимизда йўқотилган вақт учун компенсация тўлаш чорралари Жиноят процессуал кодексида белгиланган бўлиб ушбу кодексда қандай ҳолларда ва кимларга харажатлар қопланиб бериши назарда тутилган, билан Процессуал харажатларни коплаш чоралари фақатгина процессуал харажатларни тўлиқ уйлаб, ишлаб чиқилган механизм асосида йўлга солиш мумкин. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиланиб, амалдаги қонунчилигимизда бундай ҳолатлар фақат мажбурият кўрсатиб ўтилган ва компенсация механизми ишлаб чиқилмаган, ёрдам кўрстган гувоҳнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинмаган экан.

Ушбу зиддиятни бартараф этиш учун бир қатор мамлакатларнинг қонунчилигида масалан Германия қонунчилигида биринчи ёрдамни тақдим этиш талаби билан бирга, қутқарувчи оқилона ҳаракат қилган

⁶ “Меҳрибон Самариятин” қонуни 1998й.

⁷ Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси 13.09.1998й



ҳолда, ёрдам кўрсатиш ҳақиқати ва унинг сифати ҳақидаги ҳар қандай даъволардан ҳимоя қилади ва турли хил унвонлар билан мукофотланади. Бизда ҳам ёрдам бериш мақсадида шифохонага олиб келган инсонни қайта-қайта гувоҳлик бериб кетган вақти учун компенсация тўлаш чоралари механизмидини ишлаб чиқиш лозим, шунда суриштурувчи, терговчи, судлар ҳам беҳуда гувоҳ тариқасида тинмай чақирмай аксинча ишни тезроқ ва пухтароқ кўриб чиқишига омил бўлади.

Агар бир инсон бошқа бир инсонни ҳаётини сақлаб қоламан деб унга ёрдам берса, у фуқародан ИИБ ходими келган вақтида тушунтириш хати олиб, бошқа у инсонни безовта қилиши керак эмас. Унга қўнғироқ қилиб, безовта қилиб, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан огохлантиришларни ҳам йўқотиш лозим. Шу билан бирга бефарқ бўлмасдан, ёрдам қилиб, ёрдам

кўрсатган ватандошларимизни рағбатлантириш йўллари хам ўйлаб кўриш керак. Гувоҳ суриштурувчи, терговчи, суднинг илитимоси блан гувоҳлик бериш учун келган бўлса кетган вақти, куни, маоши учун терговчи, суриштурувчи баённома тузиб қарор чиқариши ва кетган вақт учун гувоҳга компенсация қоплаб берилиши лозим бўлади. Ҳар қандай сарфланган харажатларни терговчи, суриштурувчи айблов хулоса ёки айблов далолатномасида акс эттириши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай йўллар билан биз жиноятчиликни барвақт олдини олиб ҳамда ўлим сонларини кескин камайтиришга эришимиз мумкин. Ўйлаб кўрайлик агар шундай ахволга ўзимизнинг яқинларимиз, биз севган ардоқлаган инсонлар тушиб қолса қандай холга тушамиз, шунинг учун бу муаммоларга бефарқ бўлмаслигимиз лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 22.09.1994й
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Процессуал кодекси 22.09.1994й.
3. "Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида " Ўзбекистон Республикасининг қонунин 03.07.1992й.
4. "Меҳрибон Самариятин" қонуни 1998й.
5. Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси 13.09.1998й
6. lawtheses.com/protsessualnye-izderzhki-v-rossiyskom-ugolovnom-sudoproizvodstve.
7. <https://lex.uz/>
8. <https://t.me/davletovuz>